



МИНИСТЕРСТВО
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН



РЕСПУБЛИКАНСКИЙ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ
МЕДИЦИНСКИЙ
ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ



АССОЦИАЦИЯ
ПЕДИАТРОВ
УЗБЕКИСТАНА

**XALQARO ISHTIROKIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY ANJUMANI "ZAMONAVIY PEDIATRIYADA
MULTIDISTSIPLINAR STRATEGIYALAR: BOLALAR
KASALLIKLARINI TASHXISLASH, DAVOLASH VA REABILITATSIYA
QILISHDAGI INNOVATSIYALAR"**

TEZISLAR TO'PLAMI

19-20 noyabr

19-20 ноября

2025



СБОРНИК ТЕЗИСОВ

**РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМ
УЧАСТИЕМ «СОВРЕМЕННЫЕ МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАРНЫЕ
СТРАТЕГИИ В ПЕДИАТРИИ: ИННОВАЦИИ В ДИАГНОСТИКЕ,
ЛЕЧЕНИИ И РЕАБИЛИТАЦИИ ДЕТСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ»**

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN
PEDIATRIYA ILMIY-AMALIY TIBBIYOT MARKAZI
О‘ЗБЕКISTON PEDIATLAR ASSOTSIATSIYASI**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ
АССОЦИАЦИЯ ПЕДИАТРОВ УЗБЕКИСТАНА**

**XALQARO ISHTIROKIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY ANJUMANI**

**«ZAMONAVIY PEDIATRIYADA MULTIDISTSIPLINAR
STRATEGIYALAR: BOLALAR KASALLIKLARINI TASHXISLASH,
DAVOLASH VA REABILITATSIYA QILISHDAGI
INNOVATSIYALAR»**

TEZISLAR TO‘PLAMI

2025 yil 20 noyabr

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ**

**«СОВРЕМЕННЫЕ МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАРНЫЕ СТРАТЕГИИ В
ПЕДИАТРИИ: ИННОВАЦИИ В ДИАГНОСТИКЕ, ЛЕЧЕНИИ И
РЕАБИЛИТАЦИИ ДЕТСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ»**

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

20 ноября 2025 года

ТОШКЕНТ — 2025

ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА АУДИОЛОГИК СКРИНИНГ БОСҚИЧИДА АНИҚЛАНГАН ЭШИТИШ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдукаюмов А.А., Нуриддинова Д.Х., Махмудов М.У., Абдукамилова М.М.,
Маджитова Д.Ш.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази,
Тошкент, Ўзбекистон

Тадқиқотнинг долзарблиги. Янги туғилган чақалоқларда эшитиш бузилишларини эрта аниқлаш нутқ ривожланишидаги кечикишларни олдини олиш ва ўз вақтида реабилитация чораларини бошлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Янги туғилган чақалоқларда эшитишни оммавий скринингдан ўтказиш (УССН) туғма кар-соқовликни эрта босқичда аниқлаш имконини беради, аммо ушбу тизимнинг самарадорлиги ҳали ҳам баҳоланиши зарур. УССН жараёнида аниқланган эшитиш бузилишлари шаклларини ўрганиш аудиологик скрининг дастурини такомиллаштириш ва эшитишида нуқсонли бўлган болаларга кўрсатиладиган эрта тиббий ёрдам сифатиини ошириш учун муҳимдир.

Мақсад: янги туғилган чақалоқларда эшитиш скрининги жараёнида аниқланган эшитиш бузилиш турларини тавсифлаш.

Материаллар ва тадқиқотусуллари. Бир йил давомида эшитиш скрининги биринчи босқичдан ўтмаган 1481 нафар янги туғилган чақалоқлар тадқиқотга жалб этилди. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббиёт маркази ҳамда ҳудудий болалар тиббиёт марказларида ўтказилган бўлиб, бу ерда иккинчи босқич амалга оширилди.

1481 нафар бола орасида 58,67% (n=869) ўғил болалар, 41,32% (n=612) қиз болалар ташкил этди. Барча чақалоқларда отоакустик эмиссия ва тон-уйғониш мия пояси потенциаллари (КСВП, ABR) скрининги ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Иккинчи босқичда 1481 нафар чақалоқ текширилганда, 1417 (95,6%) нафар болада эшитиш меъёрида эканлиги аниқланди. 64 (4,43%) нафар болада эшитиш бузилишлари қайд этилди. Улардан 57 нафарида икки томонлама эшитиш патологияси, 7 нафарида эса бир томонлама эшитиш бузилиши аниқланди. Икки томонлама 57 ҳолатдан 11 нафарида аралаш турдаги симметрик эшитиш бузилиши, 46 нафарда эса сенсонеурал симметрик эшитиш бузилиши аниқланди. Бир томонлама эшитиш бузилишларининг барчаси (6 ҳолат) сенсонеурал турда бўлди. Эшитиш бузилиши аниқланган 64 бола ичида 7 ҳолатда синдромли патология қайд этилди: уларнинг 2 нафарида Ваарденбург синдроми, 5 нафарида Дауна синдроми кузатилди. 6 ҳолатда эшитиш бузилиши челюстно-юз аномалиялари (туғма нёба ёриғи) билан бирга кечган, 3 ҳолатда эса эшитиш бузилиши чақалоқнинг муддатидан олдин туғилиши билан боғлиқ бўлган.

Хулоса. Олиб борилган дастлабки тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иккинчи босқичга мурожаат қилган болаларнинг 95,6%ида эшитиш меъёрида бўлган. Бу биринчи босқичдаги скрининг жараёнининг самарасизлигига ишора қилади. УССН орқали аниқланган эшитиш бузилишлари асосан икки томонлама (71,9%) бўлиб, уларнинг 82,8%и сенсонеурал, 17,2%и аралаш турдаги эшитиш бузилишлари эканлиги аниқланди. Бир томонлама эшитиш бузилишлари 10,9%ни ташкил этди ва уларнинг барчаси сенсонеурал турда бўлган.